

# **Туризм салоҳиятни оширишда инвестицион жозибадорликни тутган ўрни**

**I.Ф.Н Бакаев Т СамДУ**

**Тухтаев Феруз Акмалович**

**СамДУ Иқтисодиёт ва бизнес  
факультети талаабаси**

**Аннотация:** Ушбу мавзуда мамлакатимизга туризмни ривожлантириши мақсадида инвестиция жалб қилишда эътибор беришимииз керак бўлган омиллардан жозибадорликни тутган ўрни ҳақида фикр билдирилган. Ундан ташқари туризм соҳасида учраётган тўсиклар, ҳамда инвестицияга хавф solaётган хатарларни олдини олии ёритилиб ўтилган.

**Калим сўзлари:** Туризм хизматлар бозори, инвестицион жозибадорлик, индекс, тенденция

Замонавий шароитларда ҳар қандай мамлакатда туризм ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим жабҳаларидан бири шубҳасиз, инвестицион жозибадорликдир. Туризм бозорига инвесторлар маблағларини жалб қилишда инвестицион жозибадорликни оширмасдан имконсиздир. Шунинг учун инвестицион жозибадорликни ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва муайян бозордаги фаолиятини ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омилларни эътиборга олган ҳолда ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганиш зарурати туғилади.

Барчамизга маълумки, мамлакатда турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткич аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ҳисобланади. Унинг қиймати қанчалик катта бўлса, мамлакат аҳолиси бошқа таққосланаётган мамлакат аҳолисига нисбатан яхшироқ яшайди. Шунинг учун ҳар қандай мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишнинг асосида барқарор ўсиш суратлари ётади. Бу эса ўз навбатида омиллардан бири бизнинг туризм маҳсулот ёки хизматларни тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш, бу мамлакат иқтисодиётига келиб тушадиган маблағларга албатта боғлиқдир, яъни фан, техника ва технологияларни инвестицияни киритилиши барча имкониятларга тезроқ ва осон эришиш имконияти пайдо бўлади.

Туризм соҳасида инвестицион мухитни баҳолаш билан қатор таниқли компания ва агентликлар шуғулланади. Уларнинг айримлари қўйидагилар:

1. Мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлиги – European attractiveness survey (Erust&Young компанияси)
2. Мамлакатларнинг инвестицион хатари ва ишончлилиги (Euromoney журнали);
3. Мамлакатларнинг инвестицион хатари индекси – Economist Intelligence Unit (TheEconomist журналы)
4. Компанияларнинг тўғридан тўғри хорижий инвестициялари – FDI Confidence Index (ATKEARNEY).

Туризм ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти 9 та хусусий салоҳият кўрсаткичларини ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида турли кўрсаткичлар гурухини ташкил қиласди:

- табиий ресурс салоҳияти (асосий табиий ресурс турлари ва заҳиралари билан таъминланганлиги бўйича ўртacha тортилган кўрсаткич).
- меҳнат салоҳияти (меҳнат ресурслари ва уларнинг таълим даражаси).
- ишлаб чиқариш салоҳияти (худудаҳолиси хўжалик фаолиятининг япи натижаси).
- инвестицион салоҳият (худудда илмий техник тараққиёт натижаларини жорий этиш ва фаннинг ривожланиш даражаси).
- институционал салоҳият (худудда бозор муносабатларининг етакчи институтлари мавжудлиги).
- инфратузилма салоҳияти (аҳоли даромадлари ва худуд иқтисодиётининг тузилмаси).
- истеъмол салоҳияти (худуд аҳолисининг ялпи харид қобилияти).
- туристик салоҳияти (туристлар ташриф буюриши ва дам олиши учун мўлжалланган жойлар, шунингдек кўнгил очар ва жойлаштириш воситаларининг мавжудлиги).

Инвестицион хатар қўйидаги хатарлар асосида аниқланади:

- иқтисодий (худуднинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари).

–молиявий (худуд бюджети ва мамлакатлар молиясининг баланслашув даражаси).

–ижтимоий (ижтимоий зўриқиши даражаси).

– экологический (атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси, жумладан радиация даражаси).

–жиноий (худудда жиноятчилик даражаси ва оғир жиноятлар, иқтисодий жиноятлар ва ноқонуний иқтисодий фаолият даражаси).

–қонунчилик (инвестициялашнинг хуқуқий асослари, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш тартиби). Мазкур хатар даражасини ҳисоблаб чиқиша маамлакат, маҳаллий ва соҳавий қонунчилик хужжатлари ҳисобга олинади.

–бошқарувга оид (бюджетни бошқариш, мақсадли дастурларнинг мавжудлиги, бошқарув тизимининг ривожланиш даражаси, ижтимоий соҳада болалар ўлим даражаси).

Бизнинг фикримизча, инвестицион жозибадорлик – бу инвестицияларнинг хатарлигини ҳисобга олган ҳолда фойда олиш имконияти ҳақида хuloscha чиқаришга имкон берувчи омиллар мажмуидир. Инвестицион жозибадорлик миллий, ҳудуд, шаҳар ва ташкилот даражасида баҳоланади.

### **Фойдаланилган адабитёлар рўйхати.**

1. «Инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалари ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сонли Қарори, 15.05.2017.
2. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Жаҳон бозорлари, инвестициялар ва технологияларни таҳлил қилиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 143-сонли Қарори, 2016 йил 5 май.
3. «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сонли Қарори, 2016 йил 24 август.